

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини  
ҳаракатдан тугатиш тўғрисида)

2021 йил ноябрь ойининг 02 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди Бешариқ тумани, Булоқбоши МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ф.Собиров, З.Саримсоқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, гумон қилинувчи Алиев Мўминжон Қаххоржон ўғлининг ҳимоячиси “Sanrusar himoyasi” адвокатлик бюроси адвокати С.Эргашев, гумон қилинувчи Алиев Мўминжон Қаххоржон ўғли ва жабрланувчи Алиева Нигинахон Нематжон қизи ҳамда фуқаровий даъвогар Исанова Мавлюдахон Мўйдиновналарни иштирокида,

Алиев Мўминжон Қаххоржон ўғли (Aliyev Mominjon Qaxxorjon o'g'li) 21.12.1995 йилда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Бешариқ тумани, Булоқбоши МФЙ, Арчазор кўчасида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси қўлланилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Алиев Мўминжон Қаххоржон ўғлига нисбатан юритилган №1-1506-2101/274-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А н и қ л а д и :

Алиев Мўминжон Қаххоржон ўғли 2021 йил 06 август куни турмуш ўртоғи Алиева Нигинахон Нематжон қизини соғлигини кўрсатиш учун, қайнионаси Исанова Мавлюдахон Мўйдиновна билан бирга Фарғона шаҳрида жойлашган касалхонага олиб бориб текширтирган, у ерда шифокорлар турмуш ўртоғи касалхонада ётиб даволаниш кераклигини маълум қилган. Шундан сўнг шу куни соат 18 ларда қайтиб келиб, кейин маҳалласида турмуш ўртоғи Н.Алиева ва қайнонаси М.Исанова билан бирга Бешариқ тумани Марказий шифохонага даволаниш учун кетаётганлигини кўриб, уларни орқасидан бориб, турмуш ўртоғи Н.Алиевага “сен нима учун мени рухсатимсиз касалхонага даволаниш учун кетяпсан” деб айтиб, уни оёғи билан қасддан гавда соҳасига тепиб юбориши натижасида Н.Алиева юзи билан ерга йиқилиб, тан жароҳати олган.

Шу вақтда уларни ўртасига қайнионаси М.Исанова аралашиб, куёви М.Алиевни йўлини тўсганида, М.Алиев қўли билан қасддан қайнонаси М.Исановани бўйин соҳасини ушлаб ҳамда ўнг қўлини ушлаб итариб юбориб, унга ҳам тан жароҳати етказган.



Ўтказилган суд-тиббий экспертизанинг 13.08.2021 йилдаги 5821-сонли хулосасига кўра, Н.Алиевада нафас олиш фаолиятини икки томонлама ҳам бузилишига олиб келган бурун суяги ўрта қисмидан ёпиқ синиши, бурун соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши билан, ўнг думба ва бел соҳаларида қонталашлари бўлиб, бу тан жароҳатлари ўрта оғир тан-жароҳатлари тоифасига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизанинг 12.08.2021 йилдаги 5820-сонли хулосасига кўра, М.Исановада бўйин, ўнг қўл 1-бармоқ соҳаларида шилинмалар каби тан жароҳатлар бўлиб, бу тан жароҳатлар 6 кундан кўп давом этмайдиган енгил тан жароҳатлар тоифасига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Жабрланувчи Н.Алиева жиноят иши юзасидан ярашувга розилик билдириб, ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи М.Алиев содир этган қилмиши юзасидан кечирим сўраганлигини, моддий зарар юзасидан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро келишиб олишганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги яъни мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолиши тушунтирилганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар М.Исанова жиноят иши юзасидан ярашувга розилик билдириб, ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи М.Алиев содир этган қилмиши юзасидан кечирим сўраганлигини, моддий зарар юзасидан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро келишиб олишганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги яъни мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолиши тушунтирилганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи М.Алиев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Н.Алиева, фуқаровий даъвогар М.Исанова ва гумон қилинувчи М.Алиевни ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафларнинг жиноят ишини ярашганлик



муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи М.Алиевнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ҳошишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, М.Алиевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586 моддаларига амал қилиб, суд

### А ж р и м қ и л д и

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинган Алиев Мўминжон Қаххоржон ўғли ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарлидан озод этилсин.

М.Алиевга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажрим устидан тарафлар йигирма кун ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ф.Собиров

